ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ БАСЛЫҒЫ

---

Н.Ерлепесовга
А.Данияровга
Р.Нуразизовга
А.Исмаиловга
Б.Сапаровга
А.Иматовга
Мудофаа ишлари бошқармаси (И.Рахимов)га
ИИВ (Б.Торебеков)га
Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (А.Давлетов)га
Миллий гвардия ҚР бошқармаси (М.Юсупов)га
Молия вазирлиги (М.Содиков)га
Соғлиқни сақлаш вазирлиги (М.Курбанов)га
ҚР Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши (У.Жалменов)га
Мактабгача таълим вазирлиги (Г.Бахиева)га
Халқ таълими вазирлиги (А.Наримбетов)га
Олий таълим муассасалари ректорларига (рўйхат бўйича)
"Нукус халқаро аэропорти" (О.Бекбергенов)га
Қўнғирот минтақавий темир йўл узели (Б.Қудайназаров)га
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҚР бошқармаси (А.Бекмуратов)га
"ҚҚ телерадиокомпанияси" (Қ.Бекбаўлиев)га

Адлия вазирлиги (С.Мамбеткадыров)га
Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига

ЎзР Президентининг 2023 йил 13 мартдаги ПФ-34-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Бажарувчи: О.Сапаров
Х.Байжанов
Б.Аймбетов
Назорат: А.Жолдасов

№ 3/197

Ф.ЭРМАНОВ
16.03.2023й.

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
DEN SAWLIQTI SAQLAW
MINISTRLIGI
KIRIS № 08/283
« 23 » 03 2023 j.

Р.Абдиганиев, А.Ерманов

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
# BOSH VAZIRI

**А.Ж. Раматовга, Ж.А. Ходжаевга,**
**Ж.А. Кўчқоровга, З.Б. Махкамовага**

**Мудофаа вазирлиги** (Курбановга), **Ички ишлар вазирлиги** (Бобожоновга), **Фавқулодда вазиятлар вазирлиги** (Кулдашевга), **Миллий гвардия** (Джураевга)

**вазирлик ва идоралар** *(рўйхат бўйича)*

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 мартдаги **“Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”** ПФ–34-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Фармонда белгиланган вазифаларнинг **ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш** бўйича тегишли чоралар кўрилсин.

Н.Тойчиевга, Д.Каландаровга, Ш.Садиковга, М.Жуманиязовга, И.Тангриевга, Н.Дусматовга

УМУМИЙ БЎЛИМ № 2

**А. Арипов**

2023 йил « 13 » март
№ 13/1-488 14.03.2023 й.

3/197 4
16 март 23

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
**FARMONI**

2023 yil « 13 » март №ПФ–34

**Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзолари ҳамда уларнинг қарамоғидаги шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик қилиш ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, шунингдек, жамиятда эзгулик, ҳамжиҳатлик ва инсонийлик муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси ва Электрон технологияларни ривожлантириш марказининг (кейинги ўринларда – масъул вазирлик ва идоралар) Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг оила аъзолари ҳамда уларнинг қарамоғидаги шахсларга (кейинги ўринларда – ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) қуйидаги **имтиёз ва кафолатлар** берилсин:

а) **2023 йил 1 апрелдан бошлаб:**

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи (ходим) оила аъзоларига бирйўла бериладиган нафақа марҳумнинг охирги эгаллаган лавозими бўйича маоши ва ҳарбий (махсус) унвони маоши йиғиндисининг **150 баравари** миқдорида белгилансин;

ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) давлат мажбурий шахсий суғуртаси доирасида ҳарбий хизматчи (ходим) ҳалок бўлганда тўланадиган суғурта суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг **200 баравари** миқдорида белгилансин;

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
KEL. 1-488 2023 -yil 13 03

2

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига улар томонидан белгиланган миқдорларда (меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 50 фоизигача бўлган суммадан ошмаган ҳолда) маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи оила аъзоларига **ҳар ой тўланадиган нафақа тайинлаш** тартибини белгилаш ҳуқуқи берилсин;

б) **2023 йил 1 майдан бошлаб:**

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун олинадиган пул таъминотининг (иш ҳақининг) **50 фоизи** миқдорида белгилансин;

оила аъзолари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, 23 ёшга тўлмаган фарзандлари) даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **3 баравари** миқдоридаги даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилсин;

белгиланган тартибда турар жойга муҳтож деб тан олинган тақдирда, турар жой билан **биринчи навбатдаги тартибда** таъминлансин;

қонунчиликда белгиланган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) турар жой сотиб олиш (қуриш) учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш тартибига мувофиқ **узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитларини олиш ҳуқуқи** сақлаб қолинсин;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) янги никоҳга кирмаган турмуш ўртоғи ва (ёки) ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) қарамоғида бўлган ота-онасидан бирига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун **ҳар ойлик пул компенсациясини тўлаш тартиби татбиқ этилсин** (мулкида турар жой бўлмаган тақдирда).

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил 1 июндан бошлаб:**

а) ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) фарзандлари мактабгача таълим муассасаларида **бепул тарбияланиши**, шунингдек, профессионал ва олий таълим муассасаларида **давлат гранти асосида қўшимча квоталар** бўйича таълим олиши таъминланади;

б) ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) ота-оналарига йилига икки марта **темир йўл ва ҳаво йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи** берилади;

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI DEN SAWLIQTI SAQLAW MINISTRLIGI
QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
29.03.23 № 01/2118
NÓKIS

Барча туман (шаҳар) тиббиёт
бирлашмалари бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сизларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2023 йил 16-март кунги №3/197-сонли хати ҳамда ЎзР Президентининг 2023 йил 13 мартдаги ПФ-34 Фармони раҳбарлик ва ижро учун юбарилмоқда.

*Илова _____ варақда*

**Вазир:** **М.И.Қурбанов**

**Ижрочи:Г.О.Абдисаметова**
**Телефон:90-727-51-69**